Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 207 (8197). ● 2 ноябрь, 1983 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 1 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

БЎКА	0,61	104,13	0,54	105,31
КОММУНИСТИК	0,75	103,77	—	105,43
Пискент	1,11	95,65	0,79	67,15
Оққўрғон	1,18	95,00	1,58	94,41
Ўрта Чирчиқ	1,02	93,19	0,50	82,78
Бекобод	1,29	91,97	0,25	50,39
Чиноз	1,15	86,21	1,37	60,82
Ғалаба	1,00	84,82	0,19	66,75
Янгийўл	1,12	75,32	1,69	44,75
Область бўйича:	1,02	92,82	0,70	78,11

Республика меҳнаткашлари Ш. Р. РАШИДОВ билан видолашмоқдалар



Шараф Рашидович РАШИДОВ тобути ёнида. ЎзТАГ фотоси.

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари чуқур мотам тутмоқда. Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Шараф Рашидович Рашидов ҳаётдан кўз юмди.

Республика пойтахти кўчалари ва майдонларида байроқлар қуйи эгиб қўйилган. 1 ноябрь эрталаб юз минглаб кишилар В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройи томон йўл олдилар. Меҳнат коллективлари ва ташкилотларининг вакиллари, турли ёш ва касбдаги кишилар марҳумнинг жасади солинган тобут ёнидан қайғули сукут сақлаб ўтадилар. Ўзининг бутун кучи, бутун жўшқин ғайрат-шижоати ва истеъдодини улуғ Ленин ишига, партия ва халқ ишига бағишлаган Шараф Рашидовични уларнинг ҳар бири яхши билар эди. Шараф Рашидович қарийб чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилиб, партия режаларини муваффақиятли равишда амалга ошириш, Ўзбекистон ва унинг пойтахти экономикаси ҳамда маданиятини равнақ топтириш учун кўп иш қилди.

Тобут ёнида гуллар ва гулчамбарлар жуда кўп. Бу ерда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми, Қозоғистон ССР Министрлар Советидан, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиуми, Қирғизистон ССР Министрлар Советидан, Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми, Тожикистон ССР Министрлар Советидан, Туркманистон Компартияси Марказий Комитети, Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми, Туркманистон ССР Министрлар Советидан, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ғ. Ғ. Колбин, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ахматбеков, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Ш. Шабдолов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғапуров, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси С. Имашев, Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси К. Маҳкамов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. К. Камолов, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, КПСС Марказий Комитети секторининг мудири В. И. Смирнов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, СССРнинг космонавт учувчилари В. А. Жонибеков, В. И. Севастьянов, А. А. Серебров фахрий қоровулида турадилар.

Тобут ёнидаги мотам вахтасида ишлаб чиқариш илғорлари, партия ва совет ходимлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари, ҳарбий бошлиқлар, жамоатчилик вакиллари турадилар.

Мотам куйлари таралади. Бутун халқнинг меҳр-муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлган инсон билан видолашиш учун бу ерга келаётган кишилар оқимининг кети узилмайди.

Республика пойтахти меҳнат коллективлари ва ташкилотларининг вакиллари тобут ёнидан ўтиб борадилар. Улар Шараф Рашидовични завод цехларида, лабораторияларда ва қурилишларда тез-тез кўриб туришар эди. Янги Тошкентнинг ёпёруғ уйларидан иборат кварталлари, унинг метрополитенининг ажойиб ер ости кўшоналари, ишлаб чиқариш самарадорлигини анча ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берувчи завод ва фабрикаларнинг реконструкция қилинган цехлари Шараф Рашидович йўналтириб турган партия ташкилоти катта ишининг ҳамиша жонли тимсоли бўлиб қолади.

Дала ва фермалар меҳнаткашларининг вакиллари бошларини қуйи эгиб ўтмоқдалар. Партиянинг аграр сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб келган, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ва айниқса унинг етакчи тармоғи — пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилган инсондан жудо бўлиш улар учун оғир мусибатдир.

Фан, адабиёт ва санъат арбоблари марҳум билан видолашгани келмоқдалар. Ш. Р. Рашидов катта ташкилотчилик фаолиятини ёзувчилик меҳнати билан қўшиб олиб бориб, ўз асарларида адабиётнинг партиявийлиги, унинг ҳаёт билан чамбарчас алоқаси тўғрисидаги ленинча ғояларни чуқур тушунишнинг муносиб намунасини кўрсатди.

Улуғ Ватан урушининг ветеранлари фронт жангларидаги сафдошига сўнгги изза-икромни бажо келтирадилар. Уларнинг кўпчилигига Ш. Р. Рашидов билан бирга қардош Россиянинг муқаддас тупроғини душмандан қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, халқлар ленинча дўстлигининг буюк кучини жангларда намоён этишга тўғри келган эди.

Одамлар оқимида ёшлар жуда кўп. Ш. Р. Рашидов айни ёшларга, уларни партияга, социалистик Ватанга астойдил садоқат руҳида тарбиялашга кўп эътибор берар келди. Йигит ва қизлар учун у ҳамиша коммунистик идеалларга чексиз содиқлик намунаси бўлиб хизмат қилади.

Турли миллатларга мансуб кишилар тобут ёнидан ўзбеклар ва руслар билан ёнма-ён ўтиб бормоқдалар. Уларнинг ҳаммаси ягона совет оиласининг аъзолари бўлиб, Шараф Рашидович ана шу оилани пролетар интернационализмининг улуғ принциплари асосида мустаҳкамлашга ўзининг бутун ҳаётини, бутун фаолиятини бағишлади. Кўп миллатли Совет давлати куч-қудратининг асоси бўлган шу дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш — СССР ҳар бир фуқаросининг шиоридир.

Қардош республикаларнинг вакиллари, Афғонистон ва Монголиянинг Тошкентдаги Бош консулхоналари ходимлари Ш. Р. Рашидов вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдириш учун Халқлар дўстлиги саройига келдилар.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасида социалистик мусобақанинг 1983 йил октябрь ойининг сўнгги олти кунлигидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

Қашқадарё области;

Қашқадарё областининг Қарши райони;

Қашқадарё областининг Ульянов райони.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Қорақалпоғистон АССР.

Андижон областининг Бўз райони.

Сурхондарё областининг қўриқ Шеробод райони.

Қашқадарё область, Нишон районидаги С. Альенде номли совхоз.

Қашқадарё область, Усмон Юсупов районидаги Автономов номли совхоз.

Қашқадарё область Ульянов районидаги «Партия XX съезди» совхози.

Қорақалпоғистон АССР, Беруний районидаги Маҳтумқули номли колхоз.

Навоий область, Қизилтепа районидаги «Москва» колхози.

* * *

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети пахта йиғим-теримини ташкил этиш ва давлатга топшириш юзасидан районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1983 йил 1 ноябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Бекобод районига (район партия комитетининг секретари Ҳатамов, район ижроия комитетининг раиси Қодиров, район агросаноат бирлашмаси Советининг раиси Исабоев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Қодиров, район комсомол комитетининг секретари Расулов, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси бошқарувчиси Умиров ўртоқлар). Бу районда давлатга пахта сотиш йиллик плани 91,97 процент, шу жумладан машина терими плани 59,39 процент бажарилган. Октябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга пахта топширишда йиллик планга нисбатан 7,77 процент, шу жумладан машина теримида 2,94 процент ўсишни таъминлаган.

Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхозига (директори Қозоқбоев, партия ташкилотининг секретари Шукуралиев, касаба союз комитетининг раиси Ҳамроқулов, комсомол ташкилотининг секретари Мирзақулов ўртоқлар). Бу совхозда давлатга пахта сотиш йиллик плани 92,30 процент, шу жумладан машина теримида 2,28 процент ўсишга эришилган.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозига (раиси Обидов, партия ташкилотининг секретари Исаев, касаба союз комитетининг раиси Умурзоқов, комсомол ташкилотининг секретари Фармонов ўртоқлар). Бу колхозда давлатга пахта сотиш йиллик плани 98,83 процент, шу жумладан машина терими плани 72,49 процент бажарилган. Октябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга пахта топширишда йиллик планга нисбатан 11,10 процент ўсишга эришилган.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Пискент районидаги Свердлов номли колхоз**да (раиси Авазов, партия ташкилотининг секретари Қурбонов, касаба союз комитетининг раиси Бойматов, комсомол ташкилотининг секретари Ҳасанов ўртоқлар) қолдирилди. Бу колхозда давлатга пахта сотиш йиллик плани 109,47 процент, шу жумладан машина терими плани 93,39 процент бажарилган. Октябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга пахта топширишда йиллик планга нисбатан 10,87 процент, шу жумладан машина теримида 12,63 процент ўсишга эришилган.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун **Бекобод** районига, **Ўрта Чирчиқ** районидаги «Коммунизм» ва Пискент районидаги Свердлов номли колхозларга ҳамда Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

* * *

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди.

Чирчиқ шаҳрига (шаҳар партия комитетининг секретари Юсупов, шаҳар ижроия комитетининг раиси Шарипов, шаҳар комсомол комитетининг секретари Акромов, пахта штабининг бошлиғи Беланов ўртоқлар). Бу шаҳарда меҳнаткашларни пахта теримига жалб этиш бўйича топшириқ энг яхши бажарилган ҳамда ҳар бир теримчи ҳисобига энг юқори унумдорликка эришилган.

Паркент районига (район партия комитетининг секретари Алимов, район ижроия комитетининг раиси Икматов, район комсомол комитетининг секретари Туронов, пахта штабининг бошлиғи Шарофутдинов ўртоқлар). Бу районда меҳнаткашларни пахта теримига жалб этиш бўйича топшириқ энг яхши бажарилган ҳамда ҳар бир теримчи ҳисобига энг юқори унумдорликка эришилган.

Калинин районидаги Куйбишев номли 37-ўрта мактабга (директори Абдуллаева, партия ташкилотининг секретари Охунов, касаба союз комитетининг раиси Капеталенко, комсомол ташкилотининг секретари Камолов ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи энг яхши бажарилган ҳамда ҳар бир теримчи ҳисобига энг юқори унумдорликка эришилган.

Оҳангарон шаҳридаги Муқимий номли 6-ўрта мактабга (директори Мусаева, касаба союз комитетининг раиси Эргашева, комсомол ташкилотининг секретари Комилова ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш бўйича топшириқ энг яхши бажарилган ҳамда ҳар бир теримчи ҳисобига энг юқори унумдорликка эришилган.

Пискент районидаги 15-ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юртига (директори Убайдуллаев, партия ташкилотининг секретари Қосимов, касаба союз комитетининг раиси Ўринбоева, комсомол ташкилотининг секретари Музаффаров ўртоқлар). Бу билим юртида ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш бўйича топшириқ энг яхши бажарилган ҳамда ҳар бир теримчи ҳисобига энг юқори унумдорликка эришилган.

Чирчиқ шаҳридаги медицина билим юртига (директори Исмоилова, партия ташкилотининг секретари Зинченко, касаба союз комитетининг раиси Носирова, комсомол ташкилотининг секретари Арслонқулова ўртоқлар). Бу билим юртида ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш бўйича топшириқ энг яхши бажарилган ҳамда ҳар бир теримчи ҳисобига энг юқори унумдорликка эришилган.

Область молия бўлимига, Чирчиқ шаҳрига, Паркент районига, Тошкент шаҳридаги Ленин районига, Бекобод районидаги Киров номли 5-, Калинин районидаги Куйбишев номли 37-, Оҳангарон шаҳридаги Муқимий номли 6-мактабларга, Пискент районидаги 15-ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юртига, Чирчиқ шаҳридаги медицина билим юртига кўчма Қизил байроқлар билан биргаликда илғор теримчиларни рағбатлантириш учун 500 сўмдан пул мукофотлари ажратиш топширилди.

В. И. ДОЛГИХ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ш. Р. Рашидовни дафн этиш маросимида қатнашиш учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих 1 ноябрь куни Тошкентга келди.

Аэродромда В. И. Долгихни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

РАЙОНДА БИРИНЧИ

ЧИНОЗ. Карл Маркс номли колхоз меҳнаткашлари районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажардилар. 758 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,2 центнердан хирмон кўтарилди. Қабул пунктларига топширилган 2665 тонна хом ашёнинг 85 процентли биринчи сортларга қабул қилинди. 90 процентли эса машиналар билан териб олинди.

Шу кунларда қўшимча мажбурият ҳисобига пахта топшираётган Турсунмурод Бобоёров ва Баҳром Умаровлар бошлиқ бригадалар колхозимиз **ҳўжалик ютуғига салмоқли ҳисса қўшдилар.**

Ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга қарор қилган колхоз пахтакорлари йиғим-теримни давом эттиришяпти.

ҚАҲРАМОННИНГ САЛМОҚЛИ ҲИССАСИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан О Нам бошлиқ бригада аъзолари шу кунгача ҳар гектар майдондан 43 центнердан ошириб, хирмон кўтариб, Энгельс номли колхоз хирмонига 560 тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкдилар. Бу уларнинг колхозда пахта тайёрлаш планининг барвақт бажарилишига қўшган муносиб ҳиссалари бўлди.

Хўжаликда шу кунгача 3060 тонна хом ашё тайёрланди. Айни кунларда эса ҳосилдорликни 40 центнерга, умумий хирмонни 4150 тоннага етказиш учун кураш олиб борилмоқда.

ШУ РАЙОНДАГИ Свердлов номли колхоз пахтакорлари ҳам йиллик планни бажардилар. 723 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Планнинг барвақт бажарилишида ҳашарчиларнинг ҳам салмоқли улушлари бор. Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқувчилари 105 тонна, райондаги 67-ўрта мактаб ўқувчилари 194 тонна ҳосилни йиғиштириб бердилар.

ГИЛАМДЎЗЛАР ХИРМОНИ

ПИСКЕНТ. Оталиқдаги Олмалиқ шаҳрининг гилам комбинатидан келган 96 нафар ҳашарчи Свердлов номли колхоз пахтакорларига самарали ёрдам кўрсатишяпти. Улар ўтган куни ўртача 57,4 килограммдан ҳосил йиғиштириб олиб, колхоз хирмонига 34 тонна хом ашё тўкдилар. Уларнинг шу кунгача уйган хирмонлари 250 тоннадан ошиб кетди.

Ҳашарчилар ўртасида ташкил этилган мусобақада шу кунгача тўрт тоннадан пахта териб берган Маҳмуд Ўсаров, Карим Қобулов ва Унсиной Бердиевалар пешқадамлик қилишяпти.

МУСОБАҚАДОШЛАР РАПОРТИ

БЕКОБОД. Йиллик планнинг қарийб 92 процентини миқдорида пахта тайёрлаган район хўжаликларидан тинимсиз хушхабарлар келиб турипти. Шу кунгача йиллик планни бажариб, оширилган мажбурият ҳисобига пахта топшираётган бригадалар сони 100 дан ошди.

Куни кеча «Авангард» совхозидан қўш рапорт олинди. Йил давомида ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилаётган Оминахон Ҳамидова билан Рая Йўлдошевалар раҳбарлик қилаётган бригадалар коллективлари ҳам дастлабки довондан ошдилар. Далалардаги ҳосил чўғини ҳисобга олган бу икки коллектив энди 40 центнерлик марра сари интилмоқда.

Социалистик мусобақа — миллионлар ижоди

ЮКСАК НОМГА ЯРАША

Бизга Ўзбекистон ССР гўшт саноати корхоналари ўртасида биринчи бўлиб коммунистик меҳнат коллективи деган юксак ном берилган эди. Ишчи-хизматчиларимиз ана шу номни қозониш йўлида зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилдилар. Ўз фаолиятларининг барча техник-иқтисодий кўрсаткичларини муттасил яхшилаб бордилар. Давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда юксак натижаларга эришдик. Доим турдош корхоналар республика мусобақаси пешқадамлари сафида бордик.

Юксак номни олгандан сўнг уни сақлаб қолиш ҳам керак. Шунинг учун ҳам барча ишчи ва хизматчиларимиз коммунистчасига яшаш, меҳнат қилишни ўз фаолиятларининг муқаддас шиори қилиб олдилар. Шунинг учун ҳам корхонамизда ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига қатъий амал қилинмоқда.

Коллективимиз юксак номга эришгандан бери ҳар йили уни ўзининг янги меҳнат муваффақиятлари билан оқлаб келмоқда. Бугунги комбинатимиз ишлаб чиқариш жараёнлари ниҳоят даражада такомиллашган замонавий корхонадир. Унинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Фикримнинг далили учун биргина мисол келтириб ўтмоқчиман. Корхонамизнинг гўшт-ёғ корпусида иш жараёнларининг механизация даражаси 1970 йилда бор-йўғи 20 процентни ташкил этган эди. Орадан беш йиллик ўтиши билан бу кўрсаткич 76 процентга етди. Бундан кейинги йилларда ҳам барча цехларда ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллашиб, механизация даражаси муттасил ортиб бормоқда.

Коллективимиз ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам йилдан йилга кўпайтирмоқда. Бир вақтлар йилига бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган комбинатимиз иш ҳажмини бир неча баравар оширди. Бу йил реализация қилинадиган маҳсулот ҳажми 22 миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этади.

Биз бундай юксалишга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мавжуд цехларни реконструкция қилиш, янги асбоб-ускуналар ва механизация воситаларини кенг жорий қилиш йўли билан эришмоқдамиз. Кейинги йилларда қатор янги қувватлар фойдаланишга топширилди. Чорва учун озуқа ҳисобланган гўшт-суяк уни ишлаб чиқарувчи цех қурилди. Тери цехи реконструкция қилинди. Янги конвейер линиялари, гўшт ажратгич қурилмалари ўрнатилди. Музхоналар ҳажми оширилди. Ана шу тадбирлар туфайли беш йилликнинг учинчи йили учун белгиланган давлат плани ва социалистик мажбуриятларимизни шараф билан уддалаяпмиз. Меҳнат унумдорлигининг жадал ўсишига эришмоқдамиз.

Ҳозирги вақтда шаҳримиздаги барча меҳнат коллективлари социалистик Чирчиқнинг 50 йиллик юбилейини, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини катта совғалар билан нишонлаш учун қизғин кураш бошлаб юбордилар. Бизнинг коллективимиз ҳам бу ватанпарварлик ҳаракатида фаол қатнашмоқда. Ана шу саналарни яхши меҳнат кўрсаткичлари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада авж олдираяпмиз.

Мусобақада барча цехлар, участкалар ва бригадалар коллективлари иштирок этмоқдалар. Шундай қилиб унинг оммавийлиги таъминланмоқда.

Коллективимизнинг ўнлаб аъзолари зиммаларига шахсий мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. Улар юксак марраларни муносиб эгаллаш учун бутун маҳоратлари, тажриба ва билимларини сарфлаб ишламоқдалар. Ленин ва Ҳурмат белгиси орденлари кавалери қассоб Эргаш Толипов, хизмат кўрсатган гўшт саноати ходими Турғун Хўжаев, ишчилардан Абдусамат Ашуров, Амиржон Бобоев, Тамара Семеняк, Раиса Фотиҳова ва бошқалар мусобақа пешқадамлари сафида боришяпти. Улар ҳар соҳада касбдошларига намуна бўлмоқдалар.

Бизнинг бригадамиз коллективи ҳам ўзаро меҳнат беллашувида қатнашмоқда. Ҳар куни топшириқни ортиғи билан бажармоқдамиз. Шу кунларда 1984 йилнинг февраль ойи ҳисобига маҳсулот топшириляпмиз. Корхонамиз коллективи ва бригадамиз аъзолари бундан буён ҳам самарали ва сифатли меҳнат қилиш учун барча имкониятларни ишга соладилар.

М. СУЛТОНОВ,
Чирчиқ гўшт комбинати бригадири, Халқлар Дўстлиги ордени кавалери.

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

● **АНГРЕН кўмир разрези коллективи Улуғ Октябрнинг 66 йиллигини муносиб кутиб олмоқда. Йил бошидан бери қўшимча 110 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди.**

Суратларда: байрамолди мусобақаси ғолиби экскаватор машинисти Л. Мирсантов. Унинг кўпйиллик иши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган (юқорида), разрезда бир соатда 630 тонна кўмир қазиб чиқариш қувватига эга бўлган ЭРГВ-630 қудратли роторли экскаватордан фойдаланила бошланди.

В. Казанцев фотоси. (ЎзТАГ).

500 НОВАТОР ИЗЛАНИШДА

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи областимиздаги энг йирик саноат корхоналаридан ҳисобланади. Завод коллективи ўзининг ажойиб меҳнат анъаналари билан республикамизда яхши танилган. Айниқса, корхонамизда рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати яхши йўлга қўйилган.

Ҳар бир ишлаб чиқариш бригадаси, цех ва участкаси социалистик мажбуриятлар қабул қилаётганларида маълум миқдорда иқтисодий фойда берадиган янгиликлар яратишни ҳам ўз зиммаларига оладилар. Шунинг учун ишчилар ўртасидаги ижодий беллашув ҳамиша қизғин тус олади. Натижада янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнат жараёнини механизациялаш суръати ошади.

Ўн биринчи беш йиллик бошидан бери комбинатимизда 69 та техникавий-ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Ана шу янгиликлар туфайли 3 миллион 400 минг сўмлик фойда кўрилди. Яна бу янгиликлар натижасида 124 ишчи кучи тежалди ва улар янги ташкил этилган бригада ва цехларга ўтказилди.

Рационализаторлар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақанинг тўғри йўлга қўйилиши айни муддао бўлди. Бугунги кунга келиб, уларнинг сафи 500 тага етди. Ўтган давр ичида бу изланувчан металлурглар 2494 рационализаторлик таклифини киритдилар. Ҳозиргача, шуларнинг 1929 таси жорий қилинди. Кўрилган фойда эса 5 миллион 970 минг сўмни ташкил этди.

Заводимиз СССР Қора металлургия министрлиги корхоналари ўртасидаги рационализаторлик таклифлари бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида фахрли учинчи ўринни олиши ҳаммамизни қувонтирди. Шундан сўнг келгусида совриндорга хос юқори кўрсаткичларга эришишга қарор қилдик. Шу мақсадда айни кунларда изланувчан ишчилардан тушаётган таклифларни қисқа муддат ичида ишлаб чиқаришга жорий этишга эътибор кучайтирилди. Бу эса келгусидаги ютуқларимиз янада салмоқли бўлишини таъминлайди.

В. АБДУҚОДИРОВ,
пўлат эритиш цехининг ишчиси.



ЗАРБДОР ВАХТАДА

БРИГАДА ПУДРАТИГА — КЕНГ ИЎЛ

79 ПРОЦЕНТИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДА

КЎЧМА механизациялашган колоннамиз бунёдкорлари «Алмаликсвинецстрой» трестининг бошқа ташкилотлари билан бир қаторда кон-металлургия комбинатининг қурилиш участкаларида бунёдкорлик ишларини бажаришмоқда. Реконструкция қилинаётган объектлардаги ишларни бажариш ҳам, янги қувватларни фойдаланишга топшириш ҳам бевосита бизнинг вазифамизга киради. Шуни айтиш мумкинки, коллективимиз бу топшириқларни кутилганидан ҳам аълороқ қилиб уддалаяпти. Жумладан, саккиз ой якунларига кўра қурилиш-монтаж ишлари планини 109,4 процентга бажарган эдик. Кейинги ойларда эса бу кўрсаткичлар янада юксалди. Лекин биргина шу ютуқлар билан кифояланмадик. Фаолиятимиз қамровини янада кенгайтириш мақсадида уй-жой қурилишига ҳам кўмаклаша бошладик.

Олмалиқ шаҳрида уй-жой қурилиши билан асосан «Алмаликградострой» трести шуғулланади. Лекин бу трест билан келишилган ҳолда кейинги йилларда тростимизнинг бир қанча колоннлари ҳам уй-жой қурилишига ўз ҳиссаларини қўшяптилар.

Кон-металлургия комбинати маъмурияти ҳамда «Алмаликсвинецстрой» трести маъмурияти ўртасида тузилган ўзаро шартномага кўра уй-жой қурилишига киришилади. Янги бино тахт бўлгач ҳар иккала томон бундан манфаатдор бўлади: уй-жойнинг тенг ярми қурувчиларга ажратилади.

Бу яхши тажриба, албатта. Лекин шу ўринда ишлаб чиқариш участкаларини қуришга ихтисослашган бинокорлар уй-жой қурилишига қандай кўникадилар, деган савол туғилиши мумкин. Буни узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Маълумки, «Алмаликградострой» трести ташкил этилгунга қадар шаҳардаги уй-жой қурилишини ҳам трестимиз амалга оширар эди. Қисқаси, бу борадаги тажрибамиз етарли. Айниқса, бир неча йилдан бери меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг хўжалик усулида иш кўраётган пудратчи бригадалар бой тажриба тўплаб ҳозирги пайтда ҳам барчага ибрат бўлмоқдалар. Хусусан 1983 йил давомида қуриб фойдаланишга топширилган янги 32 квартирали бинолар қурилишида С. Плак етакчилигидаги пудратчи бригада бунёдкорлари кўрсатган меҳнат шижоатини ҳар қанча мақтаса арзийди. Улар объектдаги барча ишларни барвақт ниҳоясига етказиш билан бирга бунёдкорлик ишларини давлат қабул комиссияси томонидан юқори баҳоланишига эришдилар. Илғорлар намунаси бошқалар учун ибрат бўлди. Шундан сўнг Н. Феляев, Л. Ли, С. Замзараев, Н. Пустовая бошчилигидаги ихтисослаштирилган бригадалар бинодаги сайқаллаш ишларини сифатли ва тез ниҳоясига етказдилар.

Ютукларнинг асосий омили ҳақида суриштиргудек, бўлинса, аввало икки трест «Алмаликсвинецстрой» ва «Амаликградострой» коллективлари ўртасида яхши рўзғор ҳамкорлик ўрнатилганлигини ҳамма бир оғиздан таъкидлайди. Айниқса, уй-жой қурилишида ҳар иккала коллектив бунёдкорлари бир жон бир тан бўлиб ишлаётганликлари кишини қувонтиради. Бундан ташқари ўзаро тажриба алмашиш, илғор иш усулларини оммалаштириш ишлари янада жонланган эди. Яқинда ўтган йилларга якун ясалганда кўчма колоннамиз коллективи бажарган жами қурилиш-монтаж ишларининг 79 процентини хўжалик ҳисоби асосида иш юритаётган бригадалар томонидан амалга оширилганлиги ҳаммамизни қувонтирди. Шундан сўнг келгусида янада масъулиятли ва янада юксак топшириқларни бажара олишимизда ана шу илғор усул асосий резерв бўла олишига ишонч ҳосил қилдик. Ҳеч шубҳа йўқки, хўжалик асосида иш юритаётган бригадаларнинг ортиши юксак мажбуриятларни шараф билан уддалаш имконини беради.

М. СУЛТОНБЕКОВ,
«Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 345-кўчма механизациялашган колоннанинг бригада бошлиғи.

ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

ПОЙТАХТ областимиз индустрияси ходимлари зиммаларига юклатилган вазифаларни шараф билан уддалаш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Аксарият шаҳарлар ва районлар, кўпчилик бирлашмалар ва корхоналар меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликни яхши кўрсаткичлар билан якунлаш, йил бошида берилган юксак ваъданинг тўла уддасидан чиқиш мақсадида мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Ишлаб чиқариш коллективларида техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган тадбирлар амалга ошириляпти. Прогрессив технология, замонавий асбоб-ускуналар, илғор тажриба ва иш усуллари тобора кенгроқ жорий қилинмоқда.

Шунинг учун ҳам областимиз саноатчиларининг меҳнат натижалари салмоқли бўляпти. Давлат планлари ошириб адо этилмоқда. Индустриямиз ходимларининг ўтган тўққиз ойдаги иши натижалари ҳақидаги статистик маълумотлар ҳам шундан далолат бериб турибди.

Шу давр мобайнида маҳсулот реализация қилиш давлат плани анча зиёдаси билан адо этилди. Пландагидан ташқари 1,5 процент миқдордаги турли-туман саноат маҳсулотлари буюртмачиларга етказиб берилди. Қўшимча ишлаб чиқарилган жами маҳсулот ҳажми 71 миллион 646 минг сўмликни ташкил этди.

Бундай катта меҳнат ютуғига Тошкент, Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Калинин, Тошкент, Паркент, Янгийўл районлари индустрияси ходимлари самарали ҳисса қўшдилар. Биргина Тошкент шаҳри саноатчилари ўтган тўққиз ойда қўшимча деярли 46,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишди. Олмалиқликлар қўшимча ишлаб чиқарган саноат маҳсулоти ҳажми 5 миллион сўмликдан ошиқроқни, ангренликларнинг 4 миллион 18 минг сўмликни, бекободликларнинг 3 миллион 462 минг сўмликни ташкил этди. Чирчиқликлар ва Тошкент райони саноатчилари ҳар бирининг пландагидан ташқари реализация қилган маҳсулоти 6 миллион сўмликдан ҳам ошиб кетди.

Областимиз бўйича меҳнат унумдорлиги белгиланганига нисбатан 2,3 процент ошгани ҳолда Тошкент шаҳрида бу муҳим кўрсаткич 3 процент бўлди. Наримонов шаҳрида 3,7 процент, Янгийўлда 3,6 процент, Оҳангаронда эса 2,7 процент ошди. Тошкент райони саноатчилари меҳнат унумдорлигини оширишда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Саноатда унумдорлик планда белгиланганига нисбатан 9,9 процент ортди.

Областимиз бўйича меҳнат унумдорлиги белгиланганига нисбатан 2,3 процент ошгани ҳолда Тошкент шаҳрида бу муҳим кўрсаткич 3 процент бўлди. Наримонов шаҳрида 3,7 процент, Янгийўлда 3,6 процент, Оҳангаронда эса 2,7 процент ошди. Тошкент райони саноатчилари меҳнат унумдорлигини оширишда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Саноатда унумдорлик планда белгиланганига нисбатан 9,9 процент ортди.

Ишлаб чиқариш коллективлари сони 19 тага етди. 23 корхона коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича топшириқни адо этмади. Бундан ташқари, ўнлаб корхоналар ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги бўйича ўтган йилги даражадан ҳам паст натижаларга эришдилар.

Йилимиз якунланишига икки ой вақт қолди. Ана шу давр ичида ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи зарбдорчасига меҳнат қилиши, қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлашга эришмоғи керак. Ишлаб чиқариш суръати ва сифатини муттасил ошириб бориш,— улар меҳнатининг шиори бўлиб қолиши керак.

Шундай экан йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини зудлик билан аниқлаш, уларни бартараф этиш учун барча тадбирларни амалга ошириш ва бундан буён такрорланмаслигини таъминлаш талаб этилади. Демак, ҳар бир бирлашма ва корхонада технологик жараёнларини такомиллаштириш юзасидан ишлар кўламини янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги муносабати билан Чақириқлари барча совет кишилари қатори областимиз меҳнат аҳлининг куч-ғайратини янада авж олдириб ишлаб чиқариш коллективлари бу даъватга жавобан юксак меҳнат марраларини эгаллаш учун қизғин кураш бошлаб юбордилар. Ана шу кўтаринкилики ҳар бир бирлашма ва корхона олдида турган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишига, ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи марказий йилини саноат ишлаб чиқаришида янги-янги меҳнат зафарлари билан якунлашга сафарбар этиш керак.



20 ЙИЛДАН БЕРИ ҒОЛИБ

● **ЎН БЕШЛАР ТАШАББУСИ ИЗДОШЛАРИ**
● **БРИГАДА ПУДРАТИ АСОСИДА**
● **БЕШ ЙИЛЛИК ИККИ ЙИЛУ ИККИ ОЙДА**
● **ЭНГ ТЕЖАМКОР БРИГАДА**

Бир неча кундирки, Азиз Икромовнинг ҳаёли бир фикр билан банд. Тахта тиладиган станок арраларини иккитадан бештага кўпайтирилса, қандай бўларкин?! Тўғри, айтишга осон. Бунда станок ҳам тамом ўзгариб кетади. Агар удасидан чиқилса, бир жараённинг ўзида бир йўла хом ашёдан илгаригидек икки хил эмас, беш хилгача қурилиш материали чиқариш мумкин. Бунда унумдорлик деярли икки баравар ўсади. Бу ҳақда кўп ўйлади, ўзича тажриба қилиб кўрди. Ниҳоят амалга ошириш мумкинлигига кўзи етгач, инженер Юрий Контровичга маслаҳатга кирди, унга ўз фикр-мулоҳазаларини айтди.

Юрий Контрович ҳамда Азиз Икромов станокни кўп аррали ҳолга келтириш учун кўп изланишди. Ишдан кейин талай вақт тажриба ўтказишга тўғри келди. Ниҳоят шундай станок яратилди.

Орадан кўп ўтмай бригада бошлиғи Азиз Икромов комбинат раҳбарларига план камайтирилмаган ҳолда ўн беш киши ўрнига олти киши билан пудрат асосида ишлаш таклифи билан кирди.

Янгилик осонликча ҳаётга ўз ўрнини эгалламади. Азиз Икромовга ишни янгича ташкил этишни маъмурият олдида исботлашга, кўпгина саволларга жавоб беришга тўғри келди. У бу услубни ҳимоя қила олди. Бригада пудрати асосида ишлай бошлашди. Натижада иш ҳақи киши бошига ўртача 40—60 сўмга кўпайди. Ҳар ой маҳсулотни ошириб бажарганликлари учун 20 процентдан қўшимча ҳақ ола бошлашди.

1981 йил. Азиз Икромов республикамиз саноат корхоналари бир группа илғорларининг икки беш йилликни бир беш йилликка бажариш ҳақидаги ташаббусини эшитгач ички имкониятларни яна бир бор ўзича ҳисоб-китоб қилди. Бригада аъзолари билан маслаҳатлашди. Коллектив биринчилар қаторида ўн беш йиллик ташаббусига қўшилди. Илғор бригада аъзолари ўн биринчи беш йиллик планини икки йилу икки ойда шараф билан адо этдилар. Ҳозир ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига зарбдорчасига меҳнат қилишяпти.

Коллективда иш аниқ, пухта ташкил этилади. Айрим бригадалардаги каби иш жойида қипиқ, тахталар уйқашиб ётмайди. Иш вақтида ҳеч нарса қўлни ушламайди, дастгоҳ доимо ишга шай. Бригадада меҳнат интизоми мустаҳкам. Бу коллективда бирон кишининг ишга кеч қолганини эслолмайсиз. «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли Тошкентдаги ёғочни қайта ишлаш комбинатидаги бу бригада бошлиғининг айтишича, инсон ҳар томонлама, яъни ҳам маънавий, ҳам жисмоний камолотга эришиши зарур. Шундагина муваффақият унга йўлдош бўлади. Шунинг учун ҳам бу коллектив аъзолари малакаларини тинмай ошириб борадилар. Хом ашёдан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда улар билан беллаша оладиган бригада йўқ. Мижозлар дастлаб ана шу коллектив тайёрлаган маҳсулотни сўрашади. Коллектив тежамкорликда ҳам намуна. Беш йилликда 13 минг сўмлик хом ашёни тежаб қолиш ҳақидаги мажбуриятини шараф билан бажармоқда.

Бригаданинг кўпчилик аъзолари спортчилардир. Азиз Икромовнинг ўзи, кураш бўйича спорт мастерлигига номзод. У ажойиб спортчи ва ташкилотчидир. Шогирдларини ҳам жисмоний баркамол бўлишга ундайди. Ўғилларининг ҳаммаси спортчи, мактабни тугатганлари ота касбини эгаллашган. Катта ўғил Мурод ҳозир Совет Армияси сафида. Бокс бўйича спорт мастерлигига номзод. У отаси билан ўн бешлар ташаббусига қўшилган эди. Бу йил ҳарбий хизматдан яна ўз бригадасига қайтади. Иккинчи ўғил — Жўра ҳам шу бригаданинг аъзоси, яқинда Донецк шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиб, спорт мастери нормасини бажарди. Лазиз — ўнинчи синфда ўқийди. Ўсмирлар ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ турнирларида уч бор қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаган, спорт мастерлигига номзод. 14 яшар Азим эса Тошкент область чемпиони. Кичик ўғил Аваз ҳам бокс секциясига қатнайди.

Корхонада бу оилага ҳавас билан қарашади. Уларнинг ҳаммаси меҳнатсевар бўлиб етишишмоқда. Умуман, Азиз Икромов бошлиқ бригада корхона, «Промстрой материали» трести, «Главредазирсовхозстрой» Бош бошқармаси, Бутуниттифоқ миқёсидаги мусобақаларда кўп марта совринли ўринларни олишга муяссар бўлган. Йигирма йилдан бери эса корхонада бригадалараро социалистик мусобақада ғолибликни қўлдан бермай келаётир.

Б. ПЎЛАТОВ.

ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР

Областимиз индустрияси ходимларининг ўтган тўққиз ойдаги ишида қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Айрим районлар маҳсулот реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги бўйича давлат планларининг бажарилишини таъминламадилар. Жумладан, Оққўрғон районида маҳсулот реализация қилиш бўйича тўққиз ойлик план 92,2 процентда қолиб кетди, меҳнат унумдорлиги бўйича топшириқнинг бажарилиши 96,4 процент бўлди, холос. Шунингдек, Бекобод, Бўка, Ғалаба, Коммунистик, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Чиноз районлари саноатчилари ҳам ўтган тўққиз ой давомида талаб даражасида ишламадилар. Улар асосий кўрсаткичлар бўйича давлат планининг бажарилишини таъминламадилар.

Областимиз бўйича 17 корхона маҳсулот реализацияси қилиш тўққиз ойлик планини бажармади. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича топшириқни уддаламаган меҳнат коллективларининг бирортаси бўйича ҳам топшириқ уддаланмади. Реализация қилинган маҳсулот миқдори планда назарда тутилганидан анча кам бўлди. Бу камомат товар маҳсулоти ҳажми бўйича 726 минг сўмликни ташкил этди.

Шартнома асосида реализация плани бор-йўғи 85,8 процент қилиб бажарилди. Фойда олиш топшириғи 20 процентдан сал ошириб адо этилди, холос.

ҚОЛОҚЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

Бу камчиликнинг асосий сабаби корхонада меҳнат унумдорлиги пасайиб кетганлигидадир. Иш вақти, мавжуд асбоб-ускуналардан самарали фойдаланмаслик, белгиланган ташкилий-техникавий тадбирларнинг вақтида амалга оширилмаслиги, ишчи-хизматчилар малакасининг етарли эмаслиги, модий-техника таъминотидаги узилишлар иш унумини юқ, салтиришга ҳалақит бермоқда. Меҳнат унумдорлигининг камайиб кетишидан завод 726 минг сўмлик зарар кўрди.

Корхона раҳбарлари бу қолоқликни тугатиш учун мавжуд резервлар ва имкониятларни ишга солишлари керак.

ЯНГИҲАЁТ ЛУБ ЗАВОДИ

ЯНГИҲАЁТ луб заводи саноатимиз шу тармоғининг йирик корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили ўнларча минг тонна канон қайта ишланади, ундан ҳосил қилинган тола мамлакатимиздаги кўпгина буюртмачиларга етказиб берилади.

Лекин, бу байроқдор корхона коллективининг иш кўрсаткичлари сўнгги ойларда кескин пасайиб кетди. Айрим мижозлар маҳсулот шартномада назарда тутилган миқдорда етказиб берилмаётганлигидан норози бўлмоқдалар. Бунинг учун уларда асос бор. Фикримизнинг далили учун рақамларга мурожаат қиламиз.

Завод коллективининг ўтган тўққиз ойдаги жумладан, сентябрдаги иш кўрсаткичлари қониқарсиз бўлди. Муҳим ишлаб чиқариш топшириқларининг бирортаси бўйича ҳам топшириқ уддаланмади. Реализация қилинган маҳсулот миқдори планда назарда тутилганидан анча кам бўлди. Бу камомат товар маҳсулоти ҳажми бўйича 726 минг сўмликни ташкил этди.

Шартнома асосида реализация плани бор-йўғи 85,8 процент қилиб бажарилди. Фойда олиш топшириғи 20 процентдан сал ошириб адо этилди, холос.

ОЛМАЛИҚ ШАҲАР ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ

БУ ТРЕСТ бир неча йил илгари рангли металлургиямиз маркази — Олмалиқда уй-жой қурилиши кенгайиши муносабати билан ташкил этилган эди. Лекин шундан бери ўтган йилларда трест қурилиш бўйича давлат планларини бажармай келаяпти.

Трест коллективининг бу йилги меҳнат натижалари ҳам кўнгилдагидек бўлмаяпти. Ўтган тўққиз ойда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми белгиланганига нисбатан кескин орқада қолди. Энг муҳим кўрсаткич — тайёр товар қурилиш маҳсулотини реализация қилиш плани 91 процент қилиб бажарилди. Амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми топшириқдагига нисбатан 61 процентни ташкил этди.

Трестда иш ҳақи меҳнат унумдорлигига қараганда тез ортмоқда. Ваҳоланки, бундай аҳволга йўл қўймаслик, унумдорликнинг маошга нисбатан жадал ошишини таъминлаш керак эди. Ўтган тўққиз ойда унумдорлик планни 57,6 процент қилиб бажарилди. Маош эса унга нисбатан 32,6 процент ошиқ бўлди. Бундан коллектив кўп миқдорда зарар кўрди.

Трест раҳбарлари уй-жой қурилиши йиллик планининг бажарилишини таъминлаш учун барча чораларни кўришлари, мавжуд ишчи кучи, машина-механизмлар ва маблағлардан самарали фойдаланишга эришишлари, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашлари лозим.

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ УЧУН ҲАММА ЖАВОБГАР

ПОЙТАХТ области пахтакорларининг шу кунгача уйган «оқ олтин» хирмонлари 393 минг тоннадан ошди. Ҳозирги ҳал қилувчи дамларда область хўжаликларида кунига 4300 тонна атрофида пахта тайёрланмоқда.

Йиллик планни муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлган Бўка ва Коммунистик районлари, дастлабки довон сари дадил интилаётган Пискент, Оққўрғон ва Ўрта Чирчиқ районлари механизаторлари ҳамон йиғим-теримда юксак суръатларга эришиб, область бўйича кунлик ўсишнинг юқори бўлишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Аммо Янгийўл, Ғалаба, Чиноз районлари кунлик пахта тайёрлашда областнинг ўртача даражасига кўтарила олмаяптилар. Айниқса, ҳар йили йиғим-теримда зўр уюшқоқлик кўрсатиб, карвонбошиликни қўлдан бермай келадиган Ғалаба райони пахтакорларининг бу йил қолоқлар сафига тушиб қолганлиги ҳаммани ажаблантирмоқда.

Тўғри, район партия комитети теримни жадаллаштириш учун зарур чоралар кўряпти. Хўжаликларда қўл теримини кучайтириш мақсадида оммавий сафарбарлик эълон қилинган. Район пахта штаби кечаю-кундуз тинимсиз ҳаракатда. Кунлик терим графигининг қандай бажарилаётганлиги қатъий назорат остига олинган. Графикни тўла-тўкис бажаришга эришаётган илғор хўжаликларнинг йиғим-теримни уюштириш соҳасидаги тажрибаларини ҳамма ерда кенг оммалаштиришга ҳаракат қилиняпти. Лекин бу тадбирлар самараси амалда кўринмаяпти.

ИШЛАШНИ ИСТАГАН ИМКОНИЯТ ҚИДИРАДИ

ҲАР ЙИЛГИ мавсумда пахта тайёрлаш планини райондагина эмас, область ва республикада биринчилар қатори бажаришга одатланган «Победа» колхози аршуносларининг бу йилги ниҳоятда оғир шароитда ҳам уюшқоқлик ва тадбиркорлик намуналарини кўрсатиб, ҳаммадан илгари ғалаба рапортига имзо чекдилар. План бажарилган бўлса-да, мажбурият ҳисобига меҳнат қилаётган колхоз пахтакорлари шу кеча-кундузда ҳам йиллик планнинг бир процентидан ошириб «оқ олтин» топширмоқдалар.

Районнинг «оқ олтин» хирмонига энг кўп ҳисса қўшадиган «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози коллективи ҳам шу долзарб кунларда барчага ўрнак бўлаётир. Пахтазорларда терим агрегатлари қувватидан ҳам, совхоз ишчилари ва шаҳарлик ҳашарчилар кучидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Шу кунгача йиллик планнинг 85 процентидан зиёдроқ миқдорда пахта тайёрланган совхозда кунлик терим суръати ҳам чакки эмас. Эрта-индин бу йирик хўжалик ҳам дастлабки довондай ошиб, мажбурият учун кураш бошлайди.

Биз «Ленинград» колхозига келганимизда хушхабар устидан чиқдик. Бу пешқадам хўжалик пахтакорлари 877 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан хирмон кўтариб, йиллик планни муддатидан илгари 25 октябрда бажардилар.

— Ўтган йили планни 28 сентябрда бажарган эдик,— дейди колхоз раиси Абдухолиқ Қодиров.— Бу йил ана шундай суръатга эришолмаган бўлсак-да, районда иккинчи бўлиб маррага етиб келганлигимизнинг ўзи катта ютуқдир. Чунки, шароит жуда оғир бўлди. Шунга қарамай далаларда ҳақиқий жасорат кўрсатган колхозимизнинг ҳар бир аъзосини, шонли дала гвардиячилари ҳамда оғир кунларда бизга ёрдам қўлини чўзган барча ҳашарчиларимиз номини ҳурмат-эъзоз билан тилга оламиз. Механик-ҳайдовчиларимиз ҳосил айни пишиб етилган кунларда 26 та терим агрегатини юксак унум билан ишлатдилар. Колхозчиларимиз теримнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳозирги кунгача эрта тонгдан кеч қоронғусигача пахтазорларда бўлмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда бу пешқадам хўжалик далаларида терим бир дақиқа бўлсин сусайтирилгани йўқ. Чунки асосий марра ҳали олдинда. Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги нишонланадиган кунгача ҳосилдорликни 40 центнерга, умумий хирмонни 3500 тоннага етказиш учун кураш бошланган. 400 нафар колхозчи ва 2 мингга яқин ҳашарчи қўл теримида актив қатнашмоқда. 3 та кўсак чувиш машинаси ҳам тинимсиз ишлаб турипти. Ҳар куни далалардан йиғиштириб олинаётган подбор ва кўсаклар уч сменада ишлатилаётган 9 та кўсак чувиш машинасида қайта ишланиб, қабул пунктларига жўнатиб турилибди. Шундай йўл билан ҳозир кунига 50 тонна атрофида пахта тайёрланмоқда. Бу йиллик планнинг бир яримпроцентидан ҳам кўпроқдир.

ДИРЕКТОРНИ КЎРГАН БОРМИ?

ПАХТА йиғим-теримида районни орқага тортаётган хўжаликлардан бири Киров номли ўқув-тажриба хўжалигидир. Бу ерда йиллик планнинг эндигина 70 процентига атрофида пахта тайёрланган бўлса-да, кунлик ўсиш суръати жуда паст.

Ҳақиқий аҳвол билан танишиш мақсадида хўжаликнинг қолоқликка йўл қўяётганлиги сабабини ҳам кунлик пахта тайёрлашнинг бориши ва қўл терилмининг унуми акс эттирилган маълумотлардаги факт ва рақамлардан излаш керак, албатта.

Биринчи ва тўртинчи бўлимларда қўл терими ўз ҳолига ташлаб қўйилган кўринади. Акс ҳолда бир кунда йиллик планнинг бор-йўғи 0,60—0,70 процентига миқдорида пахта тайёрланмаган бўларди. Ҳатто шундай бригадалар ҳам борки, кун бўйи терилган пахта 0,11 процентни ташкил этяпти. Ҳолбуки, Э. Бўронбоев бошлиқ бу бригадада эндигина йиллик планнинг 60 процентига атрофида пахта тайёрланди, холос. Йиллик планни 52—55 процент бажарган М. Бекиров, Ю. Маъмиров бошлиқ бригадаларда ҳам кунлик терилган пахта ярим процентдан ошмаяпти.

Суръатнинг сустлигига асосий сабаб — совхоз ишчилари ўзлари пахтани ёлчитиб термаяптилар. Масалан, 24 октябрь куни совхоз ишчилари кучи билан бор-йўғи 11,4 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳар бир ишчига тақсимланганда 21 килограммдан тўғри келди. Ҳолбуки, шу куни Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабалари ҳам бундан анча кўп пахта териб бердилар. Ўша куни совхоз идорасидан кунлик теримга чиққан ишчи ва хизматчиларнинг ўртача терган пахтаси олти килограммданга тўғри келди. Ўқув хўжалиги аъзолари пахта теримига шундай муносабатда бўлганларидан кейин кунлик суръатда баракa бўлмаслиги аниқ.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

«МОСКВА» колхози пахта тайёрлаш бўйича район хўжаликлари орасида охирги ка институтидан келган 55 ҳашарчи битта хонада жойлашган. Хонанинг бир тарафига брезентдан тўсиқ тутилиб, аёллар учун, жой ажратиб берилган. Иссиқ овқатга ишлатиладиган масаллиқлар ҳам шу хонада сақланяпти. Улар полга очиқ ҳолда тўкиб қўйилган. Колхоз марказида ҳаммом йўқ. Ҳашарчилар Янгийўл шаҳрига навбатма-навбат қатнашга мажбур бўляптилар.

— Иссиқ овқат тайёрлаш учун раисдан ўтин сўрайвериб оғзимиз оғриди,— дейди институтнинг катта илмий ходими, ҳашарчилар бригадаси бошлиғи Мирсоат Мирахмедов.— Лекин улар ҳозирча ваъдадан нарига ўтишмаяпти.

Кечалари салқин тушадиган пайт келди. Лекин айрим ётоқхоналарни иситиш ҳусусида колхоз раҳбарлари қайғуришмаяпти. Баъзи ётоқхоналарга электр чироқлари ўрнатилмаган.

Ҳолбуки, институтлик ҳашарчилар колхозга сидқидилдан ёрдам беришяпти. Масалан, 24 октябрь куни ҳашарчиларнинг ҳар бири ўртача 40 килограммдан ҳосил териб беришди. Гулрайҳон Раева, Жўрабой Маҳмудов, Фарҳод Бозоралиев, Мансур Искандаров, Ўғилжон Матёқубова сингари ёрдамчилар хирмонга 60—80 килограммдан подбор териб тўкишяпти.

Бироқ, қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек номигагина ҳашарга чиққан айрим қишилар йиғим-теримда фаол қатнашиш, ҳалол меҳнат қилиш ва ўз гражданлик бурчларини бажариш ўрнига шахсий ҳаловатларини кўзлаб, вақтларини бекорчилик билан ўтказяптилар. Масалан, Киров районидаги марказий лабораторияга ташкилотидан 50 киши ўрнига бор йўғи 20 киши ҳашарга чиққан бўлишига қарамай, уларнинг фақат ярми теримда қатнашяпти, холос. Кунлик ўртача кўрсаткич эса 11—12 килограммдан ошмаяпти. «Фотореклама», Навоий номли кутубхона, Киров район ижроия комитети маданият бўлими, алоқа министрлиги, республика ахборот-ҳисоблаш маркази каби ташкилотлардан чиққан ёрдамчилар ҳам пахтакорларга сидқидилдан ёрдам бермаяптилар.

Райондаги «Коммунизм» совхози, Ленин номли, Ҳамза номли, Димитров номли колхозлар ҳам пахта йиғим-терими суръати шу кунниг талаби даражасида эмас.

Ҳозирги кунда Оҳангарон районидан, Тошкент шаҳрининг Киров ва Куйбишев районларидан йиғим-теримда 15 минг 700 киши қатнашяпти. Бунга район марказидан чиққан ҳашарчиларни, мактаб ўқувчиларини, шунингдек колхозчилар ва совхоз ишчиларини қўшиб ҳисобласак, пахтазорларга жуда катта куч сафарбар этилганлиги маълум бўлади. Аммо бу куч самараси амалда намоён бўлиши лозим. Афсуски, ҳозирча шундай эмас.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатида таъкидланганидек, «Биз ҳаммамиз ҳозир пахтакорларимиз!» деган сўзларнинг асл маъносини чуқур англаб етиш, ҳозирги ғанимат кунлардан самарали фойдаланиб, теримда жонбозлик кўрсатиш ҳар бир кишининг шон-шараф ишидир. Бу йилги ҳосилнинг тақдири учун ҳамма масъулдир. Шундай экан, далалардаги ҳосилнинг сўнгги граммигача териб олиниб, хирмонга уйилмагунча колхозчи ҳам, совхоз ишчиси ҳам, шаҳарлик ҳашарчи ҳам ўз ўрнини пахтазорда деб билиши ва виждон амрига қулоқ солиб, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўпроқ пахта теришга интилмоғи лозим.

А. ИЎЛДОШЕВ,
А. БОБОБЕКОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

ЖУРНАЛИСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИ ЖИЛОВЛАНСИН!

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига ва «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» III Халқаро конгрессининг мурожаатномасига қайтарган жавоблари бутун дунёда ҳамон батафсил шарҳланмоқда. Турли мамлакатларнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, чет эл оммавий ахборот воситалари қандай важ билан ниқобланмасин, ядро урушини бошлаш ғоясини телбалик деб, шундай урушни бошлашга қилинаётган даъватларни эса жиноят деб рад этади, деган фикрни таъкидламоқдалар. Совет Иттифоқининг ядровий фалокатга йўл қўймаслик мақсадида туб заминли қарорлар қабул қилишга тайёрлиги уқтириб ўтилмоқда.

СССР халқаро кескинликни юмшатиш, ядро ёнғинига йўл қўймаслик учун ҳамма ишни қилиб келди ва қилмоқда, деб ёзади ГДРдаги **«Нойес Дойчланд»** газетаси. Совет Иттифоқи ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида ўз ташаббуси билан мажбурият олганлиги, унинг ҳамма ядро қуроллари қўпайтирилишини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги аниқ-равшан таклифи, ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш тўғрисида самарали битимга эришиш, шу йўлларни жумладан Европада кўпайтиришнинг янги давр асосига йўл қўймаслик соҳасидаги собитқадам куч-ғайратлари — мана шуларнинг ҳаммаси Советлар мамлакатининг тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшаётганининг яққол далилларидир.

Тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга азму қарор берган СССР Европадаги ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги Совет-Америка музокараларида амалий йўлни давом эттираётганини Ю. В. Андроповнинг жавоблари жуда равшан кўрсатиб турибди, деди Болгария илмий ходимлари союзининг раиси академик **К. Братанов.**

Москванинг тинчликсеварлик таклифлари СССР билан АҚШ ўртасида ядро қуроллари соҳасида ўзаро мақбул битимга эришиш учун реал асосдир. Шу билан бирга совет раҳбари АҚШнинг «эпчил сиёсат» деб аталган сиёсатини ишончли тарзда фош қилиб, унинг моҳияти зўравонликка зеб беришдан, ҳарбий устунликка эришишга интилишдан иборат эканини кўрсатиб берди. Ю. В. Андроповнинг осойишта ва вазмин руҳдаги жавоблари соғлом ақл-идрок ғалаба қозонишига, тинчликни сақлаб қолишга муваффақ бўлинишига ишонч туғдиради.

Совет Иттифоқи Женевадаги Совет-Америка мулоқотининг дастлабки давралардан бошлабоқ тенглик ва баббаравар хавфсизлик принципларига асосланган аҳдномага эришишга интилди, деб уқтиради Монголиядаги **«Унэн»** газетаси. Ҳозир ҳам шу музокараларда бир битимга келиш имконияти бор — бунинг учун АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари Европада Американинг ядровий ракеталарини жойлаштириш соҳасидаги хатарли режаларидан воз кечишлари зарур, холос. Аммо АҚШ маъмурияти музокараларнинг йўлини тўсиб қўйиб, СССРдан, социализм дунёсидан ҳарбий устунликни таъминлашга уринишга қаратилган агрессив йўлни давом эттирмоқда. Мана шундай шароитда Варшава шартномаси ташкилотида қатнашувчи мамлакатлар ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жавоб чоралари кўришга мажбур бўлмоқдалар.

Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари барча қитъалар халқларининг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат ўзининг ҳолис ниятини, астойдил интилишини қайта-қайта тасдиқламоқда, деб ёзади Вьетнамда чиқадиган **«Нян Зан»** газетаси. Ю. В. Андроповнинг таклифлари — ақл-идрок ва реализм овозидир. Бу таклифлар қуролланиш пойгасини жиловлаш, тинчликни мустаҳкамлаш, Женева музокараларида одилона аҳдномаларга эришиш мақсадини кўзлайди.

Совет Иттифоқи ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги ўзининг янги таклифлари билан музокара ўтказишга чинакам амалий ёндашиш намунасини намойиш қилди, деди Германия Компартиясининг раиси **Герберт Мис.** Ю. В. Андропов Женева музокараларини ижобий битим билан тугаллаш имконияти борлигини таъкидлади.

Музокаралар барбод этилгудек бўлса, бунинг учун бутун масъулият АҚШ маъмуриятининг зиммасига тушади, бу маъмурият қандай қилиб, бўлмасин, янги ракеталарни ноябрда жойлаштира бошлаш ниятида турибди, деди у. Сўнгра Г. Мис Совет ташаббусларига ГФР ҳукумати қай назар билан қараётганлигига тўхталиб, Боннинг расмий баёнотлари «одамларни чалғитишга қаратилган уятсизларча» баёнотлар ғарбий Германия ерларида Америка ракеталарининг жойлаштирилишини тўхтатишга қаратилмаганлигини уқтириб ўтди. ГФР аҳолисининг кўпчилиги ракеталарнинг жойлаштирилишини эмас, балки музокаралар ўтказилишини талаб қилмоқда.

Ю. В. Андроповнинг янги тинчлик таклифлари Совет Иттифоқининг АҚШ билан Европадаги ядро қуролларини чеклаш тўғрисида мувозанатли битим тузишга тайёрлигини намойиш қилди, деди АҚШдаги ядро қуроли синовларини тақиқлаш миллий ҳаракатининг координатори **Норман Соломон.** Рейган маъмурияти Женевада жиддий музокаралар олиб боришга интилмаётганини тобора кўпроқ америкаликлар тушуниб олмоқдалар. Бу маъмурият ғарбий Европада биринчи зарба урувчи қурол бўлган Америкаларни янги ракеталарини жойлаштиришга зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Бу ракеталарнинг жойлаштирилиши ядро уруши чиқиши хавфини анча кучайтирган бўлур эди. АҚШ тинчлик тарафдорлари СССРнинг янги таклифларини табриклайдилар ва Европада Америкаларнинг ракеталари жойлаштирилишига йўл қўймаслик учун бутун куч-ғайратларини сарфлаш ниятидадирлар.

(ТАСС, 31 октябрь).

БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ДАЪВАТИ

НЬЮ-ЙОРК, 1 ноябрь. (ТАСС). БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюция қабул қилиб, унда Ироқ билан Эронни тинчликка ғаҳдид қилувчи ҳар қандай ҳаракатлардан тийилиб туришга даъват этади.

Уч киши бетараф қолгани ҳолда 12 овоз билан қабул қилинган резолюцияда БМТ Бош секретарига можарони ҳар икки томон учун мақбул бўлган тарзда чуқур ва одилона бартараф этишга эришиш мақсадида воситачиликни давом эттириш таклиф қилинади. Хавфсизлик Кенгаши барча бошқа давлатларни имкони борича вазминлик сақлашга ва Эрон-Ироқ можаросини қучайтиришга ва кенгайтиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан сақланишга чақирди.

КОММУНИСТЛАРНИНГ ТАЛАБИ

ЛИССАБОН, 1 ноябрь. (ТАСС). Португалия Компартиясининг Азор оролларидаги маҳаллий ташкилоти архипелаг ядро қуролини ташиш ёки сақлаш учун фойдаланилмайди, деб қатъий гарантия беришини ҳукуматдан талаб қилди. Ташкилотнинг баёнотида бундай дейилади: матбуот ҳабарларига қараганда Америкаиинг ядровий ракеталарини Ғарбий Европага ташиётган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари самолётларини Азор оролларида жойлашган Лажиш базасида қўниши режалаштирилмоқда.

ЛИВАНДА ЯРАШ МАСАЛАСИ ХУСУСИДА КОНФЕРЕНЦИЯ

ЖЕНЕВА. Бу ерда Ливанда миллий яраш масаласига бағишланган конференция очилди. Конференция ишида Ливан президенти А. Жмайел, тараққийпарвар социалистик партия раиси В. Жумблат, мамлакатнинг собиқ президенти С. Франжье, собиқ бош министр Р. Карами, Ливаннинг бошқа сиёсий арбоблари қатнашмоқдалар. Сурия билан Саудия Арабистони вакиллари конференцияда кузатувчилар сифатида иштирок этмоқдалар.

Конференция иштирокчилари Исроилнинг ваҳшийларча агрессияси ҳамда Қўшма Штатларнинг шу араб мамлакати ишига қуролли аралашувидан кейин ғоят кескинлашиб кетган аҳволни муҳокама қилдилар.

(ТАСС).

ВАҲШИЁНА ҲАРАКАТ

ВАШИНГТОН, 1 ноябрь. (ТАСС). Оқ уй матбуот секретарининг ўринбосари Лэрри Спикс Гренадага бостириб кирган Америка қўшинлари бу ердаги касалхонани тўпдан ўққа тутганликлари, бунинг натижасида 47 киши ҳалок бўлганлиги ҳақида Канаданинг «Маклинз» журнали берган ҳабарини тасдиқлади. Бу факт, деди у, АҚШ президенти Рейганга ҳам маълум. Лекин у ана шу ваҳшиёна ҳаракат ҳусусида лом-мим демаяпти.

АГРЕССИЯ ТЎХТАТИЛСИН

НЬЮ-ЙОРК. Қўшилмаган мамлакатларнинг мувофиқлаштирувчи бюроси АҚШнинг Гренадага қуролли бостириб киришини «халқаро ҳуқуқни, шу давлатнинг мустақиллигини, суверенитети ва территориал бутунлигини қўпол равишда бузиш» деб қоралади. БМТ қароргоҳида қўшилмаган мамлакатлар бюроси фавқулодда сессияси қабул қилган баёнотда интервенция дарҳол тўхтатилсин ва ажнабий қўшинлар Гренададан тезликда олиб кетилсин, деб талаб қилинади.

Қўшилмаган мамлакатлар Гренада билан қатъий бирдамликларини тасдиқладилар.



● ГФРда тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун кураш шиорлари остида мамлакатда Америкаиинг ўртача олисликка учадиган ядровий ракеталарини жойлаштиришга қарши ҳаракат ҳафталиги бўлиб ўтди. Суратда: минглаб педагоглар, студентлар ва мактаб ўқувчилари Вашингтон ҳарбийларининг машъум режаларига қатъий норозиликларини изҳор этиш учун Бремен шаҳри кўчаларига чиқдилар. АП—ТАСС телефотоси.

ГАЗЕТА МАВЗУИДА

ТЕРИМ ОЙНАСИ

Редакция қишлоқ хўжалиги бўлимига яна бир телефон аппарати ўрнатилди. Пахта штаби ташкил этилгандан бери редакцияга қўнғироқ қилувчилар кўпайиб қолди. Улар пахтазорлардаги меҳнат ютуқлари, уюшқоқлик ва интизом учун кураш самаралари, терим ёмон ташкил этилган хўжаликлардаги камчиликларни маълум қилардилар.

— Ҳамма хўжаликларнинг бош иқтисодчилари, пахта штаби аъзолари ҳозир газетамизнинг штатсиз мухбирлари ҳисобланишади,— дейди Чиноз район **«Ленин байроғи»** газетаси редактори Эсон Қосимов.— Ҳар куни эрталабдан улар қўнғироғини кутамиз. Ўтган кун якунлари бўйича бизга қизиқ-қизиқ фактларни беришаяпти.

Йиғим-терим қизғин кунлар «Москва» колхози пахта штаби аъзоси, иқтисодчи Муҳаммаджон Эгамбердиев редакцияга қўнғироқ қилиб қолди.

— Янги рекорддан хабарингиз борми?— деди у ҳаяжонланиб,— колхозимиз аъзоси Солия Икромова кечаги кун давомида қўл билан 207 килограмм пахта терди. Шуша Кикинадзе эса иккинчи ўринни олди. Унинг терган пахтаси 197 килограммни ташкил этди.

Иқтисодчи берган материал эртаси кун газетанинг биринчи саҳифасида эълон қилинди.

Кўп ўтмай Охунбобоев номли колхоз бош иқтисодчиси Қолдибой Мамиров механизатор Йўлдош Саидов жасорати ҳақида маълум қилди. Моҳир механизатор бир кунда ўн тонна «оқ олтин» теribди.

«Матбуот маркази хабар қилади» — бу газетанинг доимий рубрикасидир. Пахта йиғим-терими давомида эришилаётган муваффақиятлар шу рубрика остида оператив тарзда кўпчиликка маълум қилиб борилаяпти. Йиғим-терим бошланиши билан газета қиёфаси ҳам ўзгарди. «Пахтазор—зарбдор фронт», «Сўз — зафар қучганларга», «Шу куннинг илғорлари», «Сиз нечанчи ўринда-сиз?» каби умумий сарлавҳалар тез-тез кўринадиган бўлиб қолди. Йиғим-теримни ташкил этишда партия ташкилотлари кўраётган тадбирлар, техника ва ишчи кучидан оқилона фойдаланишда тўпланган тажрибалар, оддий теримчилар жасорати янгиянги рубрикалар остида мунтазам равишда кенг газетхонларга маълум қилиб борилмоқда.

Чинозлик заршунослар бу йил 32 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйишга бел боғлаганлар. Мавсум олдидан 28 та терим-транспорт отряди тузилди. Отрядларга 161 та пахта териш машинаси, 506 та прицеп, 56 та юклагич, 130 та транспорт трактори ва бошқа техника воситалари бириктирилди. Киров номли колхоздан З. Абдуваҳобова, К. Маркс номли колхоздан А. Собиров, «Қизил Октябрь» колхозидан Э. Очилов каби донгдор механизаторлар мавсумда 200 тоннадан ошириб «оқ олтин» териб беришга ваъда қилдилар.

Механизаторлар мусобақасини газета мавсумнинг дастлабки кунлариданоқ кенг ёритмоқда. Машина теримига бағишланган дастлабки мақолада Асрор Собиров тажрибаси очиб берилди. У ўша кунлари машина бункеридан 9—10 тоннага етказиб «оқ олтин» тўкаётган эди.

Орадан кўп ўтмай Эркин Очилов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси районда биринчи бўлиб зафар маррасига етиб келди. Бригада аъзолари қисқа вақт ичида 210 тонналик хирмон уйдилар. Эркиннинг ўзи бу хирмонга 125 тонна «оқ олтин» тўкди. Газетада берилган лавҳа Э. Очилов ва унинг тенгдошларига бағишланди.

Газетанинг ички саҳифасида ҳар ўн беш кунда бир марта «Ким илғор?» деган умумий рубрика остида район механик-ҳайдовчилари мусобақасининг якуни бериб борилаяпти.

Терим янги бошланган кезларда «Правда» номидаги 2-ўрта мактаб ўқувчилари очиқ комсомол мажлисида райондаги барча тенгдошларга қарата мурожаатнома қабул қилдилар. Унда барча йигит-қизлар пахта теримида актив иштирок этишга даъват қилинган эди.

Орадан кўп ўтмай Охунбобоев номли колхоз партия, меҳнат ва уруш ветеранларининг барча пенсионерларга қарата мурожаатномаси чиқди. Ёшлар ва ветеранлар даъвати теримчилар сафини янада кенгайтиришга ёрдам берди. «Ҳашар — элга ярашар» рубрикаси шундан кейин пайдо бўлди. Ҳозир бу рубрика остида ҳар сонда қизиқарли подборкалар бериб борилаяпти.

Газета илғорларни мадҳ этаяпти, қолоқларни танқид қилаяпти, терим суръатини сусайтирмасликка кўмаклашаяпти. Яқинда редакция ходимлари пахта нобудгарчилигига қарши кураш бўйича район штаби аъзолари билан пахтазорларни бир-бир айланиб чиқишди. Шу кўшма рейд якуни кейин газетада эълон қилинди. Унда пахта нобудгарчилигига йўл қўйётган бригадалар қаттиқ танқид остига олинди. Орадан кўп ўтмай район прокурори Т. Расуловнинг ҳам шу темадаги мақоласи босилиб чиқди. Танқидий материаллар район партия комитети бюросида муҳокама қилиниб, танқид остига олинган хўжалик раҳбарлари ва партия ташкилоти секретарлари зиммасига нобудгарчиликка қарши кураш бўйича аниқ тадбирлар кўриш, бажарилган ишлар ҳақида навбатдаги бюрода ҳисоб бериш вазифаси юклатилди.

Газета танқиди одамларни сергакликка ва зийракликка ундаяпти. Ҳозир ҳар бир дақиқа ғанимат. Бутун куч ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишга қаратилмоғи керак. Газета шу муҳим вазифани ҳар кун, ҳар соат одамларга эслатиб турипти, теримчиларни янада ғайрат кўрсатишга, иш суръати ва самарадорлигини оширишга даъват этаяпти.

Ж. НОСИРОВ.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА

АВВАЛО — ОЗУҚА

Ленин номли колхоз чорвадорлари мўл озуқа жамғардилар. Шу кунгача 760 тонна сенаж, 323 тонна беда, 436 тонна сомон, 1330 тонна силос тайёрланди. Ферма чорвадорлари гўшт ва сут топшириш планларини ҳам муддатидан илгари бажариш йўлида меҳнат қилмоқдалар. Шу кунгача 755 тонна сут топширилди, 430 бош бузоқ олинди.

4,5 МИНГ ТОННАГА ЕТДИ

Район саноат корхоналари, ташкилотлар ва муассасаларнинг ишчи-хизматчиларидан иборат 10 минг ҳашарчи Бўка районидаги колхоз ва совхозларда пахтакорларга кўмаклашмоқдалар. Районнинг «Партия XIX съезди» колхозида пахта тераётган Бутунittифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиё филиалининг коллективи ташкилотлараро социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Кундик терим ҳар бир киши ҳисобига 40 килограммданга тўғри келяпти. Улар ҳозиргача жами 10 тонна ҳосилни йиғиштириб бердилар.

Район ҳашарчиларининг шу кунгача уйган «оқ олтин» хирмони 4 минг 500 тоннага етди.

ТЕРИМЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Район маданият уйи бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг аъзолари Тоҳир Абдураҳимов бошчилигида пахтакорларга маданий хизмат кўрсатиш учун Бўка район колхоз ва совхозларига жўнаб кетдилар. Тўгарак аъзолари райондаги «Кўкорол» совхози «Ленинобод» колхози пахтакорларига концертлар кўрсатмоқдалар.

Хушовоз қўшиқчилар Баҳтиёр Исмоилов, Бахтиёр Толипов ва раққоса Жамила Саидумароваларнинг чиқишлари барчага манзур бўляпти.

Р. УСМОНОВА.

ЯНГИ СИМФОНИЯЛАР

Республика композиторлари ўзларининг янги симфония асарларини Ўзбекистон меҳнаткашларининг шонли ишларига, тинчлик ва дўстлик шаҳри Тошкентга бағишладилар. Уларнинг асарлари «Баҳор» концерт залида тингланди.

В. Кравченконинг «Тошкент абадий муҳаббат шаҳри» симфоник оркестр учун ёзган скерцоси, М. Зейданнинг камер оркестри учун концерти, Т. Қурбоновнинг духовой оркестр учун ёзган «Тариҳ саҳифалари» музикаси ва бошқа асарлар янгради. Бу асарлар тез орада республика профессионал ва ҳаваскор коллективларининг репертуарларини бойитади.

(ЎзТАГ).

«ПЕДАГОГИКАМИЗ КЛАССИКЛАРИ» ТУРКУМИДАН

«БОЛАЛАРГА ЖОНИМ ФИДО»

Машҳур совет педагоги В. А. Сухомлинскийнинг бой илмий-педагогик мероси умумхалқ мулкига айланиб қолди. Улуғ олимнинг айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. «Болаларга жоним фидо» номли китоби ҳам шулар жумласидандир.

Таълим-тарбиянинг қатор муҳим соҳаларини ўз ичига олган бу тўплам яқин кунларда китобхонлар қўлига тегади. Мазкур асар «Ўқитувчи» нашриёти томонидан «Педагогикамиз классиклари» махсус туркумида босилиб чиқади.

Нашриёт К. Маркс ва Ф. Энгельс асарларидан танлаб олинган «Халқ маорифи ва таълим-тарбия масалалари» деган тўпламни ҳам шу туркумда чоп этади. Унда пролетариат улуғ доҳийларининг таълим-тарбияга доир қимматли фикрлари ўз ифодасини топади.

Шунингдек, А. С. Макаренко, Н. К. Крупская каби машҳур педагогларнинг асарлари ҳам босмага тайёрланади. Халқ педагогикасининг ноёб намуналарини чоп этиш ҳам кўзда тутилган. «Ўрта Осиё ўтмиш педагоглари таълим-тарбия ҳақида», «Қобуснома» сингари китоблар ҳам педагогларга тақдим этилади.

А. АКБАРОВ.

БЕМОРНИНГ ТАҚДИРИ ШИФОКОР ҚЎЛИДА

ЁКИ БИР КАСАЛХОНАДАГИ АЙРИМ ВРАЧЛАРНИНГ БОР ДОРИНИ ИУҚҚА ЧИҚАРГАНЛИКЛАРИ ТУҒРИСИДА

МЕН боламни ўйлайман, болам-боласини... Халқ тилидаги бу ҳикматда бир олам мазмун бор. Инсон зотининг ўз фарзандига меҳр-муҳаббати мазкур иборада лўнда ва ёркин ифодаланган. Фарзанди бемаврид йўталганида унинг кўзларига «шамоллаб қолмадимикин» деган ҳадикда чўчиб қарамаган ота-она борми? Фарзанд бирон дардга чалинганида куйиб-пишишнику қўяверинг...

Икки яшар Саиданинг иситмаси кўтарилди, инжиқ бўлиб қолди. Уни пойтахтдаги 1-шаҳар бирлашган болалар касалхонасига ётқизишди. Албатта, онаси билан. Дастлаб қизчага «бронхит» диагнози қўйилди. Шунга қарши муолажа бошланди. Саиданинг ҳадеганда иситмаси тушавермади. Сўнг даволовчи врач Г. Аҳмедова беморда вирусли инфекция касали борлигини қайд қилди ва табиийки, муолажа шу касалликка қарши йўналтирилди. Унга глюкоза ва витамин «С» уколлари буюрилди. «Кейинчалик текшириб кўрсам,— дейди редакцияга хат ёзган ота И. Муҳамедов,— буюрилган бешта уколдан атиги биттаси қилинибди. Сабабини сўрасам, қизингизнинг қон томирини тополмадик, дейишди... Лекин касаллик тарихига ҳамма укол қилингани ёзилган...»

Қизчанинг саломатлиги бери қайтавермагач, даволовчи врач—бўлим мудири М. Соатова билан бамаслаҳат унга «Цепарин» уколини буюришди. Бироқ... энг ҳунук «нуқта» худди мана шу ерда содир бўлди. «Ҳозир бизда цепарин йўқ, ўзингиз топиб келсангиз қиламиз» дейишди Саиданинг отасига.

Ёш ота рецепт ёзиб беришларини илтимос қилди. Албатта, рецепт ёзилмади— касалхонада дори учун рецепт ёзилмайди. Буни врачлар яхши билишади. Лекин... касалхонада йўқ дори беморга буюрилмайди — наҳот ўша врачлар буни билишмайди? Билишади, албатта.

Келинг, уларнинг билимини имтиҳон қилишни тегишли ташкилотларга қўйиб беришлик-да, ўзимиз аниқлаган баъзи тафсилотлар ҳусусида фикр юритайлик: ўша пайтда, худди ўша куни касалхона дорихонасида «цепарин» бормиди ёки йўқ?

Бор эди!..

Ота елиб-югурди. У қизчаси ҳафталаб иситмалаб ётганида цепариндан нажот бўлишини ўйлади-ю, бош врачга мурожаат қилишни ўйламади. Куни билан шаҳар кезиб, охири 3 флакон ўша доридан топди. Ўша куни қизчаси укольларни олди.

Бироқ, бу кам эди. Эртага яна керак. Ота умид билан касалхона дорихонасига борди.

— Сизларда цепарин борми?

— Бор,— деди дорихонада ўтирган аёл.

Шикоятни текшириш пайтида бош врач И. Тўхтаева ҳузурида бўлган суҳбатда юқоридаги савол-жавоб эгалари бунинг ростлигини тасдиқлашди. Ҳужжатлар кўтарилганида, ҳақиқатдан ҳам ўша даврда дорихонада цепарин етарли миқдорда бўлганлиги исботланди.

Энди масаланинг бошқа томонларига эътибор беринг: агар ота касалхонанинг дорихонасига бормаганида нима бўларди? Албатта, ўша гап гаплигича қолаверарди — цепарин йўқ. У, қайси йўллар билан бўлмасин, фарзанди учун дорини бошқа жойдан топиб келди.

Дорихона касалхонанинг ўзида жойлашган. Ҳар бир шифокорнинг бу дорихонада нима бору, нима йўқлигини билмаслиги мумкин эмас. Борди-ю, билмаганида ҳам, камёб дорини беморга буюриб қўйиб, сўнг уни «бизда йўқ» дейишдан олдин дорихонада шу дори борми-йўқлигини аниқлаш шунчалик қийинми? Бу саволга даволовчи врач Гулчеҳра Аҳмедова шундай жавоб беради:

— Бизга дорининг борйўқлигини бўлим мудири ва катта медицина ҳамшираси билиб беради, шунга қараб иш қиламиз.

— Айнан ўша числода Саида билан бир палатада ётган бемор Шавкатбоевга цепариндан укол қилинганини қандай изоҳлайсиз?

— Унинг аҳволи оғир эди, цепарин жуда оз миқдорда қолганди.

Демак, «йўқ» эмас, бор, лекин «оз» эмиш.

Ҳужжатлар, дорихона ходими ва бош врач цепарин оз эмас, етарли бўлганини тасдиқлашяпти. Қолаверса, жавобдаги мантиқни қўринг — Шавкатбоевнинг касали оғир бўлгани учун унга дори бор, бунга йўқ эмиш. Бундан чиқди, Саидани даволаш ўринга унинг касали оғирлашишини кутиш керак экан-да. Агар зарур дори бўлмаса, оғирлашиши табиий-ку?!

Г. Аҳмедованинг тушунтириш хатидан кўчирма:

«...запасда учта цепарин қолганди, 2 ойлик Шавкатбоевга укол қилинди. Бўлим мудири М. Сафаева ва 1—4 бўлимларнинг катта медицина ҳамшираси цепарин тугади, запасда йўқ дейишди».

Бўлим мудири ва катта ҳамшира ҳақиқатдан шундай деганми-йўқми, Г. Аҳмедова дорихонада цепарин борлигини билармиди-йўқми, буларни аниқлаш касалхона маъмурияти-нинг вазифаси. Бироқ, шуниси равшанки, ҳунук воқеа рўй берган. Бу —факт, ундан кўз юмиб бўлмайди.

Афсуски, ягона факт эмас. Худди шунга ўхшаш воқеалар бошқа айрим касалхоналарда ҳам рўй бераётганлигини очиқ айтиш керак. Худди шунинг учун ҳам бу воқеа устида батафсил тўхталишни лозим топдик. Ўша касалхоналарда зарур бўлган камёб дорилар бўлатуриб, йўқ дейиш, ота-оналарни сарсон қилиш, ниҳоят, мурғак гўдакларга бундай муносабат ўта тошбағирлик эмасми? Ахир шифокорлар қасамёдига содиқлик қани? Жаҳонда энг инсонпарвар бизнинг медицинамиз олий принципларига ҳиёнат эмасми бундай ишлар! Қолаверса, инсонга бўлган меҳр-оқибат, унинг қадр-қимматини улуғлаш қаби бурчни унутиш, одамгарчиликни оёқ-ости қилиш эл-юрт нафратини қўзғатади, холос. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган катта ғамхўрлик туфайли медицина муассасалари зарур бўлган барча дори-дармонлар билан тўлиқ таъминлаётгани ҳаммага аён-ку. Бироқ, битта-яримта ноинсофнинг айби билан баъзи беморлар, ҳатто болалар ана шу буюк ғамхўрликдан баҳраманд бўлмайдилар.

Хўп, Саиданинг аҳволи нима кечди. У соғайиб кетди. Бироқ, шу касалхонанинг ўзида эмас. Уйга келгач эртасига яна иситмаси кўтарилди. Ота-она сўраб-суриштириб тажрибалироқ педиатр-врачни топишди. У боланинг ичагида инфекция борлигини аниқлади ва шунга қарши шифо қўллади. Саида соғайиб кетди...

Шикоят хатида ота, ўзи билим ва тажрибаси, малакаси камроқ врачлар бошқа касалхоналардан тажрибалироқ шифокорни консультацияга чақирмаганига эътироз билдиради. Эътироз ўринли, чунки беморнинг иситмаси ўн кунгача тушмади, унга бир нечта диагноз қўйилди...

Энди худди шу касалхонага ойд, лекин бу воқеага алоқаси бўлмаган бошқа бир масала ҳусусида тўхталиш зарурга ўхшайди. Пойтахтнинг деярли марказида жойлашган бу шифо даргоҳига кирган, унинг шароити билан танишган киши лол қолади: бино жуда эски, бундан бир неча ўн йиллар бурун қурилган, бир қаватли, палаталар ҳамон кўмир билан иситилади, на иссиқ, на совуқ сув бор, канализация йўқ.

Булар — наинки беморлар, балки соғлом одамларнинг ҳаёт кечириши учун ҳам зарур энг оддий шарт-шароитлар. 100 ўринли касалхонадаги аҳвол эса мутлақо қониқарсиз. Касалхона учун янги бино қуриш тўғрисида неча йиллардан бери гап боради, бироқ бу масала ҳал этилган эмас.

Табиийки, бундай шароитда беморларга намунали хизмат кўрсатиш имкони йўқ. Санитария нормаларига хилоф равишда иш қилинаётгани ўз-ўзидан маълум. Кўрпага қараб оёқ узатилади-да.


Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси 1-шаҳар бирлашган болалар касалхонасида юқорида айтилган фактларга барҳам бериш, айбдорларга нисбатан жиддийроқ чора кўриш, касалхонада қатъий тартибқоида ўрнатиш ва бемор болаларга медицина хизматини ҳозирги талаб даражасига кўтариш учун барча тадбирларни амалга ошириши зарур.

Касалхонада ётган бемор тақдирига лоқайдлик билан қарашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ...

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ОҚИБАТ

ЖОНАЖОН ВАТАН БУЙЛАБ



● МОСКВА. Суратда: Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши биноси томонидан Москва-река ва Кутузов проспектларининг қўриниши.



● ТБИЛИСИ. «Грузнефтегеофизика» ҳисоблаш марказида ГДРдан келган электроника бўйича мутахассислар грузин ҳамкасблари билан бирга бир секундда ярим миллион операцияни бажара оладиган «ЕС-1055М» ЭҲМни ишга туширишга тайёрламоқдалар. Суратда: ЭҲМга хизмат кўрсатиш группаси бошлиғи А. Меликян (ўнгда) ГДР. лик созловчи Х. Вестфаль билан монтаж ишларини бажармоқда.

(ТАСС фотохроникаси).

Касковска ТРИБУНА

ЯНГИ УСУЛ САМАРАСИ

СВИЛЕНГРАД агросаноат комплекси чорвадорлари сут етиштиришни янгича потоқцех усулида ташкил этдилар. Бу сигирлар маҳсулдорлигини ошириш, сут етиштиришни кескин кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Комплекс чорва ходимлари фақат кейинги икки ой ичида планга қўшимча равишда 210 тонна сут соғиб олишга муваффақ бўлдилар.

Комплекснинг чорвачилик фермаларида 850 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Ҳозирнинг ўзида ҳар бир сигирдан 3 минг литрдан сут соғиб олинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 600 литр кўпдир.

МИКРОНГАЧА АНИҚЛИК БИЛАН

МЕТАЛЛ қирқувчи машиналар заводи Хасководаги йирик корхоналардан биридир. Бу ерда тайёрланаётган дастгоҳларнинг 40 процентига яқини СССР ва Руминияга экспорт қилинади.

Корхона мутахассислари ва машинасозлари ишлаб чиқарилаётган металл қирқувчи дастгоҳларнинг ғоят сифатли ишлашини таъминламоқдалар. Бу машиналарда турли деталларга микронгача аниқлик билан ишлов берилади.

Машинасозлар ўртасида дастгоҳлар сифатини янада ошириш учун социалистик мусобақа кенг авж олган. Ишчиларнинг аксарияти маҳсулотларни биринчи тақдим қилишдаёқ топширадилар.

КЎҲНА КАСБНИНГ ҚАЙТА ТУҒИЛИШИ

АВВАЛЛАРИ Нова Надежда қишлоғи бу ерда тайёрланадиган керамика буюмлари билан машҳур бўлган. Қишлоқ кулоллари ясаган буюмлар кўпгина мамлакатларга юбориб турилган.

Бу кўҳна касб қайта тугилмоқда. Яқинда Нова Надежда қишлоғида янги машиний керамика цехи очилди. Қишлоқнинг моҳир кулоллари ёшларга бу касб сирларини ўргатяптилар. Цехда рўзғорда ишлатиладиган буюмлар билан бир қаторда бадиий керамика буюмларини тайёрлаш ҳам мўлжалланган.

ТУҚУВЧИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

ВОЛГАР кинематографистлари машҳур тўқувчи, Хасководаги «Жеко Дмитров» тўқимачилик комбинатининг ишчиси Йорданка Йовчева тўғрисидаги фильмни суратга олишни тугалладилар. Златко Апостолов сценарийси асосида режиссёр Живко Караянев ва оператор Янко Найденов томонидан яратилган мазкур фильмда Йорданка Йовчеванинг меҳнатдаги ташаббускорлиги, жамоат ишларидаги активлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Фильмда Йорданка Йовчеванинг ҳамкасби ва дугонаси, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси Каромат Ёқубоева билан ўзаро социалистик мусобақаси ҳақида ҳам ҳикоя қилинган. Болгар тўқувчиси тошкентлик дугонасига ёзган хатида «Меҳнатдаги беллашувимиз янги муваффақиятларимиз гарови», деган эди. Бу сўзлар фильмга эпиграф қилиб олинган.

ҚАРДОШ ДИЁР ТАРОНАЛАРИ

ХАСКОВОДА Тошкент тўқимачилик комбинати маданият саройи бадиий ҳаваскорларининг концертлари бўлиб ўтди. «Жеко Димитров» тўқимачилик комбинати, «Свила» фабрикаси коллективлари, Симеоновград шаҳри, Гарваново, Горски Извор, Минерални Бани ва бошқа қишлоқлар аҳолилари қардош диёр тароналарини мириқиб томоша қилдилар. Тошкентлик бадиий ҳаваскорлар округдаги гастролларига бағишланган махсус концерт программасини намойиш қилдилар.

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз ходими, «Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консультация бюросининг аъзоси, юрист А. Ҳасанов жавоб беради.

САВОЛ: мен 1941 йилдан Улуғ Ватан урушининг охирги кунларигача фронтда бўлдим. 1946 йилдан 1971 йилгача колхозда тарбиячи бўлиб ишладим. 1972 йилдан Ташлодоовошч омборхонасида ишладим. 1982 йилдан касаллигим туфайли III группа инвалидлигига чиқаришди. Инвалидлик муддати тугагач менга колхозда ишлаганлигим учун қарилик пенсияси тайинланди. Айтингчи, колхозда ишлаган иш стажим корхонада ишлаган иш стажимга қўшилиб давлат пенсияси тайинланиши мумкинми? Инвалидлик пенсиясини олишга ҳаққим борми?

Т. ИМОМОВ,
Тошкент районидаги Навоий номли колхоз.

ЖАВОБ: 1956 йилда чиққан давлат пенсиялари тўғрисидаги қонунга мувофиқ айрим ҳолларда колхозда ишлаган стаж (колхоз совхозга айлантирилса, колхозчи сайланиш туфайли бошқа ишга юборилса ва ҳоказо) корхона, муассаса ва ташкилотда ишлаган стаж қўшилгани ҳолда ҳисобланиб, давлат пенсияси тайинланади.

Хатингиз мазмунига қараганда иш стажингизнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ишлари билан боғлиқ бўлгани учун қарилик пенсияси тайинланиб, қонунга ҳилоф иш тутилмаган.

Инвалидлик группаси белгиланиб пенсия тайинланиши ВТЭК (врачлик техник экспертизаси) хулосасига кўра амалга оширилади. Демак, соғлиғингиз яхшиланганлиги туфайли инвалидлик группаси яна белгиланиши учун асос бўлмаган.

САВОЛ: мен 25 йилдан буён ўқитувчилик қиламан. Бегдорчиликка жуда қизиқаман. Биз яшаб турган жой қишлоқ территориясига киритилган бўлиб, қия тепаликлар ўзлаштирилмай қолиб кетган.

Айтингчи, колхоз фойдаланмайдиган ерлардан (60 градус қия тепаликни) ўз ҳисобимдан ўзлаштириб, кўкаламзорга айлантириш учун кимлардан рухсат олишим керак?

К. ҒАНИЕВ,
Бўстонлик районидаги Хондойлиқ қишлоғи.

ЖАВОБ: жамоатчилик учун қилинмоқчи бўлган ҳар қандай фойдали ташаббус қўллаб-қувватланади. Бундай масала юзасидан район Совети ижроия комитетига мурожаат қилишингиз керак.

САВОЛ: мен мактабда ўқитувчиман. Халқ маорифи соҳасида меҳнат қилганимга 45 йил тўлган. Пенсияда бўлишимга қарамасдан мактабда ўқитувчилик қиламан.

Урушнинг оғир шароитларида ўқитувчиларнинг етишмаслиги туфайли бир неча мактабда ишлаганман. Лекин пенсияга чиқиш вақтимда уруш даврида бошқа мактабларда ишлаганимни ҳисобга олмай менга район социал таъминот бўлими 20 процентли қўшимча ҳақ бермади. Район социал таъминот бўлимининг ҳисобига кўра меҳнат стажим 31 йилни ташкил этар экан. Район социал таъминот бўлимининг мана шу тутган йўли тўғримиди?

Т. ДЎСТОВ,
Бўка районидаги Киров қишлоқ совети.

ЖАВОБ: КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1979 йил 13 декабрь 1117 сонли қарорига биноан пенсия пулига 10 процентдан 20 процентгача қўшимча ҳақ олиш учун ходим (шу жумладан ўқитувчилар ҳам) бир корхона, муассаса ва ташкилотларда 25 йил (аёллар учун 20 йил) умумий иш стажи 35 йилдан кам бўлмаслиги шарт (аёллар учун 30 йил).

Хатингиз мазмунига кўра Сиз ишлаган маориф системаси бир бошқармага тегишли бўлган, аммо шу бошқарма ишлаб чиқариш структураси бирлигига кирмай мустақил муассаса ҳисобланган. Сиз бир мустақил муассасадан бошқа муассасага ўтиб ишлаганлигингиз туфайли пенсиянгизга 20 процентли қўшимча ҳақ олиш ҳуқуқини йўқотгансиз.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ҚУЙИ ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

УМИДИМИЗ КАТТА

Совхозимиз спортчилари бу йилги мавсумни муваффақият билан бошлаган эдилар. Дастлабки ютуқни Тошкент область совхозлар трести ўтказган спартакиадада қўлга киритдик. Бизнинг «Ҳўжакент» футбол командаси ўйинчилари бу мусобақаларда ўзларининг бор маҳоратларини ишга солдилар. Тренировкалардаги жиддий тайёргарлик ўз натижасини берди: 20 та команда ичида тўртинчи ўринни эгалладик. Биринчи муваффақият келгусидаги ютуқларга етаклар экан. Кўп ўтмай Бўстонлик районидаги «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти мусобақалари бошланиб кетди. Биз рақибларимиз кучли командалар эканлигини яхши билар эдик. Шунга қарамай совринли ўринлардан бирига эга бўлдик.

Эгалланган марра билан чекланиб қолиш волейбол командамиз аъзоларига ҳам бегона. Улар райондаги командалар билан куч синашиб, ўз маҳоратларини ошириб бордилар. Ҳар ҳафтада икки марта тренировкалар ташкил қилдик. Бундан ташқари, ишдан бўш вақтларда ҳам мусобақаларга тайёргарлик кўрдик. «Коммунизм учун»» район газетаси совринини учун бўлиб ўтган волейбол мусобақаларида биринчи ўринни эгалладик. Кўп ўтмай область спорт комитетининг биринчи даражали дипломи қўлга киритилди.

Футбол ва волейбол командаларимизнинг маҳорати, малакаси ошиб боришида Чирчиқ ойна заводи, Ғазалкент консерва заводи, Чорвоқ автобазаси спортчилари билан бўлиб турадиган мусобақалар яхши натижалар бермоқда.

Спортчиларимизнинг деярли барчаси совхоз ишчилари. Турли касб эгалари бўлган бу ёшларни спортга, чаққонлик, ғолибликка, «Ҳўжакент» совхози шарафини оқлашга бўлган иштиёқ бирлаштирган. Футболчиларимиздан Мирзаёр Мирхайтов, Тўравой Усмонов, Эгам Исмонов, Илҳом Раҳмонов, Бахтиёр Тўлабоевларнинг маҳоратлари барчани мамнун этмоқда. Биз область, республика миқёсидаги спорт мусобақаларида ҳам қатнашиб, қувончли натижаларни қўлга киритиш орзусидамиз.

Н. САДИРОВ,
тренер.
Бўстонлик район.



Суратда: команда аъзолари.

СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ГИМНАСТИКА. Будапештда гимнастика бўйича жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Унда совет спортчилари муваффақият қозондилар. Вакилларимиз мусобақаларда 9 та олтин, 5 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритдилар.

● БАСКЕТБОЛ. Мамлакат чемпионатининг олий лигасида иштирок этаётган Тошкент Давлат университетининг баскетболчилари Москвадаги ўйинларини муваффақият билан якунладилар. Улар сўнгги турда Рнганинг ВЭФ командаси билан учрашиб 111:91 ҳисобида ғалаба қозондилар. «Университет» баскетболчилари мамлакатнинг кучли олти командаси орасида медаллар учун курашни давом эттиради.

Сўнгги турнинг қолган ўйинларн қуйидаги натнжалар билан якунланди: «Спартак» — СКА (Рига) — 113:92, ЦСКА — «Строитель» — 79:68, «Динамо» (Тбилиси) — «Статиба» — 91:111.

● ЧАВАНДОЗЛИК. Москвадаги Бицевский чавандозлик комплексининг манежида СССР кубоги учун мусобақалар давом этмоқда. Дастлабки куниёқ тўсиқлардан ошишда республикамиз вакили Д. Вашчакин пешқадамликни қўлга киритди.

● ФУТБОЛ. Мамлакат чемпионатининг иккинчи лигадаги зона мусобақаларида ғолиб чиққан коллективлар биринчи лигага ўтиш учун финал мусобақаларни биринчи даврасида якун ясадилар. Биринчи кичик группада икки ўйиндан сўнг 4 очко тўплаган Омскнинг «Иртиш» командаси пешқадамлик қилаётир. Иккинчи кичик группада эса Оржоникидзенинг «Спартак» ҳамда Орехово-Зуево шаҳрининг «Знамя труда» командалари пешқадам. Бу икки коллектив ҳисобида учтадан очко бор.

Учинчи кичик группада Фарғонанинг «Нефтянник» командаси иштирок этаётир. Фарғоналиклар иккинчи тур ўйинларини Батуми шаҳрида маҳаллий «Динамо» командаси билан ўтказиб, 0:2 ҳисобида имкониятни бой бердилар. Улар ҳисобида ҳозирча битта очко бор. Бу группада уч очко тўплаган Куйбишевнинг «Крилья Советов» командаси турнир жадвалини бошқариб бормоқда. Группа ғолиблари биринчи лигага йўлланма оладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р—03263. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1706.